

PHARMAZETA

ASKLEPIY Group ▶

Фармацевтик даракчи

НЕГА АЙРИМ ПРЕПАРАТЛАР **БРЕНДГА** АЙЛАНАДИ, АЙРИМЛАРИ ЭСА - ЙЎҚ?



ASKLEPIY Group
бош директори
Анвар Толибов билан суҳбат

№ 4 // апрель 2026 й.

НЕГА АЙРИМ ПРЕПАРАТЛАР БРЕНДГА АЙЛАНАДИ, АЙРИМЛАРИ ЭСА – ЙЎҚ? (2-3 БЕТ) ЎЗБЕКИСТОН ДОРИХОНА БОЗОРИ ТАҲЛИЛИ: ТУЗИЛМАСИ, КОНЦЕНТРАЦИЯСИ ВА ЎСИШ НУҚТАЛАРИ (4 БЕТ) ФАРМАЦЕВТИКА ЯНГИЛИКЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН, 2026 ЙИЛ АПРЕЛЬ (6 БЕТ) АПТЕКАДАГИ ЎФИРЛИК. АСЛИДА КИМ АЙБДОР? (7 БЕТ) ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУНЛИКДА ЮРАКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ (8 БЕТ) ТИВОМАКС (L-АРГИНИН): СИФАТ СТАНДАРТЛАРИ ВА ДОРИ ШАКЛИНИНГ ТЕХНОЛОГИК УСТУНЛИКЛАРИ (10 БЕТ) МИРАМИСТИННИНГ РИНОХИРУРГИЯДА ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШДА ҚўЛЛАНИЛИШИ (12 БЕТ) ТЕЗРОҚ, КУЧЛИРОҚ, ХАВФСИЗРОҚ? НИМЕСУЛИД ҲАҚИДА СЎНГИ ТАДҚИҚОТЛАР НИМА ДЕМОҚДА? (14 БЕТ) МАГНИЙ ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИБ БЎЛМАЙДИГАН СИГНАЛЛАРИ (16 БЕТ) СЕМИРИШНИ ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ: ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДАН БОШЛАНГАН БИОЛОГИК МУВОЗАНАТГАЧА ЙЎЛ (18-19 БЕТ) ФАРМАЦЕВТ – БЕМОРНИНГ БИРИНЧИ МАСЛАҲАТЧИСИ (20 БЕТ) ТАБАССУМ – САЛОМАТЛИК КўРСАТКИЧИ: МИФЛАР, ҚўРҚУВЛАР ВА СТОМАТОЛОГИЯ КЕЛАЖАГИ (22-23 БЕТ)

СУҲБАТ

Нега айрим препаратлар брендга айланади, айримлари эса — йўқ?

Фармацевтикада шунчаки яхши молекулага эга бўлган дори воситаси эмас, балки учта омил уйғунлашган дори воситаси брендга айланади: исботланган фойда, муайян ҳаётий сценарий учун оддий ва эсда қоларли асосий хабар ҳамда шифокор, фармацевт, жавон, илова, қадоқ ва такрорий ижобий тажриба орқали истеъмолчига тўсиқларсиз етиб борадиган йўл. Self-care соҳасига оид тармоқ маълумотлари шуни кўрсатадики, OTC-категорияларда бу аллақачон ўлчаб бўладиган кўрсаткичда: харидорларнинг 61% брендингга бўлган ишонч OTC-маҳсулот танловига таъсир қилишини айтган, 41% таниш брендинг янги турдаги маҳсулотини харид қилишга мойил, branded OTC харидорларининг 93% эса бренд номини танловда йўлқўрсатгич сифатида қўллайди. Бу ва бошқа кўплаб мавзулар ҳақида ASKLEPIY Group CEO'си Анвар Толибов сўзлаб берди.

Екатерина Доронкина



Бир хил молекула: кимдадир бренд, кимдадир эса оддий SKU

Молекула — бу ўйинга кириш учун рухсат холос. Бренд эса инсон ХПНни эмас, балки асосий ваъдани эслаб қолган пайтдан бошланади: тез ёрдам беради, қўллаш қулай, ишончли, топиш осон. Агар шу ваъда бўлмаса,

препарат шунчаки яхши маҳсулот бўлиб қолаверади.

Бу OTC-харидорлар хатти-ҳаракатлари бўйича маълумотлар ҳамда umbrella branding'нинг европача мантиғига мос келади: таниш бренд истеъмолчига танлов қилишда ёрдам беради, лекин фақат бренд ичидаги

маҳсулотлар бир-бирдан аниқ фарқланса ва чалкашлик келтириб чиқармаса.

Нима муҳимроқ: далилларга асосланган база ёки маркетинг?

Далилсиз маркетинг шов-шув беради, аммо узоқ умр бермайди. Маркетингсиз далиллар эса яхши

маҳсулот беради, лекин масштаб бермайди. Кучли бренд — бу клиник маълумотларни инсон тилига таржима қила олишдир.

Жаҳон брендлари тарихи ҳам буни тасдиқлайди: «Viagra»да клиник инқилоб ва оддий позициялаш бўлган, «Ozempic»да эса кучли далиллар базаси ва бемор сеза оладиган аниқ эффект мавжуд бўлган.

Фарм-бренд тақдири бугун шифокор қўлидами, дорихонадами ёки ижтимоий тармоқлардами?

Бугун бренд эскича “ё шифокор, ё дорихона, ё digital” схемаси билан ўйласа, ютқзади. Голиб бўлаётганлар эса хаммасини “микс” қилаётганлардир: шифокор тушунтиради, фармацевт тасдиқлайди, қадоқ танловни осонлаштиради, digital эса эътиборни ушлаб туради.

Систематик таҳлиллар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ва шифокорлар тайинлови паттернлари ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатади; DTCA (Direct-to-Consumer Advertising) ва DTC (Direct-to-Consumer) коммуникациялар таҳлиллари дори воситаларига бўлган сўровлар ҳамда тайинланиш эҳтимоли ошишини қайд этади. OTC-сегментда эса фармацевт хануз ўзини ўзи даволашнинг асосий бошланиш нуқтаси бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, 18–24 ёшли аудитория ижтимоий тармоқлардаги тиббий маълумотларга ишонади, семаглутид мисолида эса ижтимоий платформалар препаратлар қабул қилинишига кучли таъсир кўрсатаётганини кўряпмиз.

Маҳаллий бренд учун асосий сабоқ

Маҳаллий бренд глобал брендга ўхшашга ҳаракат қилганда эмас, балки сифат, оммабоплик ва тезликни ҳалол бирлаштира олганда ютуққа эришади. Агар

сенда кучли дистрибуция, ўз дорихонанг ва тушунарли маҳсулот линияси бўлса — бу энди кичик бренд эмас, бу аллақачон тизим.

Айнан шунинг учун «**Риноксил**» кейси эътиборга лойиқ: битта экотизим ичида ишлаб чиқариш, йирик дорихона тармоғи ва фақат бир тармоқ орқали йилига 5 миллиондан ортиқ мижоз мавжуд. Бу бренд-лидерликни кафолатламайди, аммо маҳаллий брендга импортёрларда кўпинча бўлмайдиган устунликни беради.

Жаҳон кейслари

Кўрсатмалари кейслар — Viagra, Ozempic, Nurofen ва Claritin — фармацевтикада брендга айланишнинг ягона йўли йўқлигини кўрсатади. Аммо деярли ҳар доим бир хил формула ишлайди: илм-фан + таъсирнинг содда тушунтирилиши + оммабоплик.

Viagra. Аввалига антиангиал препарат сифатида ривожланган, кейинчалик эректил дисфункция учун қайта позицияланган. Бренднинг энг муҳим қарори фақат тиббий эмас, балки коммуникацион қарор ҳам бўлган: мураккаб физиология содда, уялтирмайдиган ва осон англанадиган қўлланиш шаклига айлантирилди. Сабоқ оддий: бренд “янги формула” эмас, балки муаммо ҳақидаги янги мулоқот меъёрига айланади.

Ozempic. Бренд йўли диабетдан бошланган: FDA препаратни 2017 йил декабрида 2-тур қандли диабет учун тасдиқлаган. Аммо ҳақиқий портлаш кейинроқ содир бўлди — вазн йўқотиш ва юрак-қон томир натижалари бўйича клиник самарадорлик ижтимоий тармоқлар таъсири билан бир вақтга тўғри келди. 2025 йил тадқиқотларида респондентларнинг аксарияти ижтимоий медиа вазн камайтириш препаратларини қабул қилишга кучли таъсир кўрсатишини тўғридан-тўғри таъкидлаган. Сабоқ: замонавий бренд илмдан туғилиши мумкин, аммо маданият орқали тезлашади.

Nurofen. Бренд секинроқ, аммо мустақамроқ қурилган: ибупрофен тарихи расмий манбаларда 1953 йилги тадқиқотлардан бошланади, Nurofen бренди остидаги ОТС-старт эса 1983 йилда — 19 мингдан ортиқ пациентда хавфсизлик ва самарадорлик тасдиқланган катта маълумотлар базасидан кейин амалга оширилган. Кейинги муваффақиятни “инқилобий” янги молекулалар эмас, балки оғриқни ҳолатлар ва шакллар бўйича тўғри сегментация қилиш таъминлади. Сабоқ: етук ОТС-категорияларда бренд

кўпинча молекуляр янгиликдан ҳам кучлироқ бўлади.

Claritin. Аллергия бренди учун ҳал қилувчи омил регулятор ойна бўлди: FDA 2002 йилда Claritin’нинг ОТС-қўлланишини тасдиқлади, шундан сўнг марказий ваъда “24 соат таъсир, уйқучанликсиз” формуласига айланди. Кейин эса маҳсулот оиласи кенгайди: таблеткалар, сироплар, чайналадиган шакллар ва болалар учун дозировкалар пайдо бўлди. Сабоқ: Rx’дан ОТС’га ўтишнинг ўзи брендни кучли қилмайди; брендга куч берадиган нарса — катта ёшдаги харидор, шифокор ва ота-она учун бирдек тушунарли бўлган оддий ваъдадир.

Риноксил кейси

Риноксилда кўплаб маҳаллий брендларда дастлабки босқичда бўлмайдиган муҳим афзаллик аллақачон мавжуд: у экотизим ичига интеграция қилинган. Бренд синергияга кирган — ишлаб чиқариш, дистрибуция ва дорихона тармоғи бирлашган.

Очиқ карточкаларда битта SKU эмас, балки бутун оилавий архитектура кўринади: ксилометазолин 0,1% асосидаги базавий «Риноксил» назал спрейи; оксиметазолин 0,05% ҳамда қўшимча компонентлар — левоментол, камфора ва эвкалипт мойи сақловчи «Риноксил Formula+»; шунингдек, турли ёш гуруҳлари учун болалар ва baby-версиялар.

Позициялаш нуқтаи назардан бу аллақачон “оддий томир тортирадиган восита” эмас, балки эркин нафас олиш сценарийси атрофида қурилган оилавий брендга айланишга уринишдир. Риноксил тезда бурун нафасини енгиллаштирувчи, уйқунни яхшилашга ёрдам берувчи ва симптомларни қулай назорат қилиш воситаси сифатида тақдим этилмоқда. Шунингдек, “бурун битишининг калити” деган позициялаш формуласи ҳам қўлланилмоқда. ОТС-сегмент учун бу кучли ёндашув ҳисобланади, айниқса вариантлар визуал ва матн жиҳатдан аниқ фарқланса.

Препаратни ҳақиқий брендга нима айлантиради

Биринчи омил — клиник аниқлик. Бренд деярли ҳеч қачон “расмий самарадорлик”дан туғилмайди. У осон тушунтириладиган таъсирдан туғилади. Агар клиник фарқни битта жумла билан ифодалаш мумкин бўлмаса, маркетинг самарасиз ишлай бошлайди.

Иккинчи омил — регуляторика ва оммабоплик. ОТС мақоми бренд масштабини тубдан ўзгартириши мумкин, чунки нафақат ҳуқуқий статус, балки контакт нуқталари сони ҳам ўзгаради.

Фойдаланувчилар тадқиқотларида катталарнинг қарийб тўртдан уч қисми дорихоналарда рецептсиз бериладиган дори воситалари кўпроқ бўлишини хоҳлашини билдирган. Claritin эса ОТС’га ўтиш ва тушунарли ваъда бренд учун нақадар кучли катализатор бўлишини кўрсатади.

Учинчи омил — нарх ва мавжудлик. Юқори харажат кўрсаткичлари мунтазам равишда паст комплаенс ва ёмонроқ натижалар билан боғланади. Шунинг учун препаратни топиш қийин бўлса ёки у иқтисодий жиҳатдан доимий равишда рақобатда ютқазса, бренд ҳақиқатан ҳам кучли бўла олмайди. Бу айниқса ОТС-жавонда яққол кўринади: нарх жиҳатдан оммабоплик иккинчи даражали эмас, балки бренднинг марказий элементи ҳисобланади.

Тўртинчи омил — шифокорлар ва фармацевтлар таъсири. Rx-брендлар учун шифокор ҳануз қарор қабул қилиш маркази бўлиб қолмоқда: систематик таҳлиллар фармацевтика соҳаси билан ўзаро алоқалар тайинлаш амалиётига таъсир қилишини тасдиқлайди. ОТС-сегментда эса фармацевт кўпинча “ноаниқ” симптомни аниқ харидга айлантирувчи сўнгги контакт нуқтасига айланади. Иккала аудитория билан ҳам бир хил тилда мулоқот қила олмайдиган бренд ўз кучининг ярмини йўқотади.

Бешинчи омил — қадоқ ва шакл. Етук категорияларда ғалаба тобора таъсир механизми даражасида эмас, балки фойдаланиш қулайлиги даражасида ҳал бўлмоқда: таблетка шакли, эриш тезлиги, пуркаш тури, “совутовчи” ҳис, дозалаш қулайлиги, ёшга оид аниқ белгилар ва хавфсизлик профили муҳим аҳамият касб этади. Nurofen’да шу мантиқ оғриқ сценарийлари ва турли шакллар орқали ишлайди; Риноксилда эса таркиб ва оилавий архитектура орқали намоён бўлади.

Олтинчи омил — ижтимоий тармоқлар ва инфлюенсерлар. Улар брендни йўқ жойдан яратмайди, аммо талаб амплитудасини жуда тез оширади ва позициялашни ҳам шунчалик тез кучайтиради. PAGB маълумотларига кўра, катталарнинг 73% ОТС-бренд сайтидаги тиббий маълумотларга ишонади, ёшлар орасида эса 43% ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга ишонади. Семаглутид бўйича тадқиқотлар ҳам ижтимоий платформалар вазн камайтириш препаратларини қабул қилишга сезиларли таъсир қилишини кўрсатади. Демак, фармацевтика учун рақамли технология энди ихтиёрий эмас, балки назорат қилса бўладиган хавфга эга канал ҳисобланади.

Амалий тавсиялар

Фармацевтика компаниялари ва стартаплар ишни неймингдан эмас, балки инсонга тушунарли бўлган битта асосий ваъдани шакллантиришдан бошлаши керак. Агар истеъмолчи ёки шифокор айнан нима учун шу бренд кераклигини битта жумла билан тушунтириб бера олмаса, қиммат креатив кампания ҳам ёрдам бермайди.

Иккинчиси: umbrella-brand стратегияси ишлайди, аммо фақат архитектурада қатъий интизом бўлса. Европа тавсияларида ҳам umbrella branding танилиш ва ишончни кучайтиришини, бироқ вариантлар аниқ фарқланиши ва шакллар “аралашиб кетиши” хавфи назорат қилиниши шартлиги таъкидланган.

Учинчиси: тиббий маркетинг ва нуқтадаги сотувларни бир-бирдан ажратманг. Амалда истеъмолчи аралаш маршрут бўйлаб ҳаракат қилади: шифокордан эшилтади, фармацевтдан аниқлаштиради, жавонда солиштиради, қидирув орқали ўқийди ва иловада сотиб олади. Бренд барча босқичларда бир хил маъно билан гапириши керак.

Тўртинчиси: нарх оқибат эмас, стратегия бўлиши лозим. Маҳаллий бренд кўпинча энг арзон нарх билан эмас, балки глобал лидерга нисбатан оқилона қиймат шакллантириш орқали ютуққа эришади — истеъмолчини брендни алмаштиришга ундайдиган даражада сезиларли, аммо сифат ҳақидаги тасаввурни бузиб юборадиган даражада паст бўлмаган нарх билан.

Бозор прогнози

Яқин йилларда энг кўп реклама қилинадиган эмас, балки ўлчанадиган клиник самарадорликни истеъмолчи учун тушунарли фойда билан бирлаштира олган брендлар тезроқ ўсади. Шу билан бирга, self-care ва ОТС янада муҳим аҳамият касб этади: истеъмолчилар дорихона орқали кўпроқ фойдаланиш имкониятини хоҳлайдилар, таниш брендлар эса танловнинг когнитив юкини камайтиради.

Бироқ бозор шу билан бирга “далилсиз бренд ҳажми”ни қаттиқроқ жазолашга ўтади. Ижтимоий тармоқлар препаратларга бўлган қизиқишни кучайтиради, лекин бир вақтнинг ўзида улар ҳақидаги тасаввурни ҳам бузиб кўрсатиши мумкин. Шунинг учун голиблар бутун занжирни бирлаштира олганлар бўлади: илм-фан, регулятор тозалиги, тўғри нарх сиёсати, дорихонадаги скрипт, қадоқ, маҳсулот билан реал тажриба ва бошқариладиган digital коммуникация.

Маҳаллий ўйинчилар учун бу эҳтимол тарихдаги энг қулай давр: агар экотизим ўзининг операция устунлигини тизимли бренд-капиталга айлантира олса.

ФАРМ БОЗОР ТАҲЛИЛИ


Ўзбекистон дорихона бозори таҳлили: тузилмаси, концентрацияси ва ўсиш нуқталари

Камилла Мусаева

Дорихона бозорининг умумий тузилмаси

Дорихона бозорида чакана форматнинг устунлиги сақланиб қолмоқда. 2026 йил бошига келиб, савдо нуқталари сони бўйича тахминан 70% ни чакана дорихоналар ташкил этади, тармоқли тузилмалар ҳиссаси эса қарийб 30% ни ташкил қилади.


Аптека тармоқлари тузилмаси



■ Чакана савдо ■ Тармоқ

Товар айланмасининг тақсими савдо нуқталари сонига кўра тузилмадан фарқ қилади: чакана дорихоналарга тахминан 63,5% тўғри келади, дорихона тармоқлари эса қарийб 36,5% ни ташкил қилади.

Товар айланмаси тузилмаси



■ Чакана савдо ■ Тармоқ

Дорихона бозорининг ривожланиши консолидация кучайиши ва тушумнинг тармоқли ўйинчилар ҳиссасига кўпроқ ўтиши билан кечмоқда. Улар нуқталар сони бўйича кам улурга эга бўлса-да, кўлам эффекти ва марказлаштирилган бошқарув модели ҳисобига юқори товар айланмасини шакллантиради.

Йирик тармоқлар таъминотчилар билан музокараларда кучлироқ позицияга эга бўлиб, бу уларга қулай харид шартларини олиш ва юқори маржиналликни сақлаб қолиш имконини беради, шу билан бирга мослашувчан нарх сиёсати юритилади.

Сотувлар аналитикасидан фойдаланиш ва ассортиментни маълумотлар асосида бошқариш товар айланиш тезлигини ошириш ҳамда ноликвид товарлар улушини камайтиришга хизмат қилади. Жараёнларни стандартлаштириш ва ягона операциялар ёндашувлар хизмат сифати ошишига ва ўртача чек ўсишига олиб келади.

Қўшимча устунлик рақамли инструментларни жорий этиш ҳамда логистика ва захираларни бошқаришни автоматлаштириш орқали юзага келади, бу бизнеснинг шаффофлиги ва бошқарувчанлигини оширади.

Умуман олганда, ушбу омиллар дорихона тармоқлари учун янада барқарор ва самарали бизнес моделини шакллантиради, бунда юқори товар айланмаси тармоқни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки жараёнларни тизимли оптималлаштириш ва операциялар кўлами ҳисобига таъминланади.

Дорихона тармоқларининг рақобат тузилмаси


Бозор дорихона тармоқлари ўртасида улушларнинг нисбатан тенг тақсимлангани билан ажралиб туради, яъни тармоқлар орасида аниқ етакчи йўқ.

Етакчи ўринлардан бирини GRAND PHARM TRADE эгаллайди (топ-10 ичида тахминан 3,5%), ундан кейин AKMAL FARM MEDIKAL (~2,7%), 777 PHARM ҳамда NIKA FARM SERVIS (тахминан 2-2,2% орасида) келади. Қолган иштирокчиларнинг улуши асосан 1-1,7% даражасида жойлашган.


Шунга ўхшаш ҳолат дорихона нуқталари тақсимоотида ҳам кузатилади. GRAND PHARM TRADE, NIKA FARM SERVIS ва FITOFARM LEK каби йирик тармоқлар 140 дан ортиқ нуқтага эга, айрим ўйинчилар эса нисбатан чекланган кўламда фаолият юритади — 100 тагача дорихона билан.

Бунда нуқталар сонининг ошиши ҳар доим ҳам товар айланмаси улушининг мутаносиб ўсиши билан бирга кечмайди. Бу бозорда юқори рақобат мавжудлигини, аниқ етакчи йўқлигини

ТОП-10 дорихона тармоқлари ўртасида ТА тақсимланиши



ТОП-10 дорихона тармоқларидаги нуқталар сони



ва мустақил дорихоналарнинг сезиларли ролини кўрсатади.

Хулоса

Фармацевтика бозорининг ҳозирги тузилмаси ўтиш босқичини акс эттиради: барқарор шакланган улгуржи сегмент мавжуд бўлса-да, чакана йўналиш тарқоқ ҳолатда қолиб, юқори концентрацияни намоен этмаяпти. Натижада бозорга таъсир бир хил тақсимланмаган — дистрибьюторлар асосий позицияларни сақлаб қолмоқда, дорихона тармоқлари эса самаралироқ бошқарув модели ҳисобига босқичма-босқич ўз мавқеини мустаҳкамламоқда.

Тармоқли ўйинчилар ролининг ортиши соҳа ичидаги баланснинг секин-аста ўзгариб бораётганини кўрсатади. Ҳозирча уларнинг улуши чекланган бўлса-да, айнан шу сегмент мас-

штабланиш ва бозор улушларини қайта тақсимлаш учун энг катта салоҳиятга эга ҳисобланади. Аниқ етакчининг йўқлиги рақобатни кучайтириб, фаол экспансия учун шароит яратади.

Ўрта муддатли истиқболда чакана сегментнинг босқичма-босқич йириклашиши, улгуржи бозор тузилмасининг эса барқарор сақланиб қолиши кутилмоқда. Бу шароитда рақобат устунлиги компанияларнинг кўлам, операция самардорлик ва талабни бошқаришдаги мослашувчанликни уйғунлаштири олиши билан белгиланади.

Материал ASKLEPIY Group компаниясининг ички маълумотлари асосида тайёрланган. Барча кўрсаткичлар баҳоловчи характерга эга бўлиб, бозорнинг тахминий тузилмасини акс эттиради.

РиноМакс®



ШАМОЛЛАШНИ НАЗОРАТ

ОСТИГА ОЛИНГ!



Бош
оғриғи



Юқори тана
ҳарорати



Зирқираб оғриш
ва титроқ



Томоқдаги ва бурун
бўшлиқларидаги
оғриқ



ФАРМ ЯНГИЛЛИКЛАР

Фармацевтика янгиликлари: Ўзбекистон, 2026 йил апрель

2026 йил апрель ойи Ўзбекистон фармацевтика бозори учун ўйин қоидаларини қайта шакллантириш даври бўлди. Ойнинг асосий сигналлари бир вақтнинг ўзида уч йўналиш бўйича намоён бўлди: дори воситалари сифати ва рўйхатдан ўтказиш талабларининг кучайтирилиши, нархларни ошириш ва ноқонуний айланмага қарши босим, шунингдек рақамли дистрибуция ва дори воситалари қийматини қоплаш дастурини кенгайтиришга тайёргарликнинг жадаллашуви.

Екатерина Доронкина

Апрель воқеалари ва хронологияси

Ой боши бутун апрель ойи учун асосий йўналишни белгилаб берди. 3 апрель куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг № 3806-сонли буйруғи рўйхатдан ўтказилди. Ушбу ҳужжат исботланмаган ёки етарлича ўрганилмаган самарадорликка эга дори воситаларини аниқлаш тартибни жорий этади; ҳужжат 2026 йил 5 июлдан кучга киради. Ихтисослашган нашрлар ва оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, текширув 12 та халқаро илмий манбага асосланади, баҳолаш эса мустақил эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади. Бозор учун бу рўйхатдан ўтказиш ва клиник протоколларда далилларга асосланган ёндашувнинг янада қатъийлашувини аниқлатади. (<https://lex.uz/ru/docs/8123893>)

Шунингдек, апрель ойининг илк ҳафталарида регулятор босим нарх-наво сиёсати ҳам кўчди. 3 апрель куни эълон қилинган маълумотларга кўра, Fair Tech тизими орқали 2025 йил бошидан бери референт нархларни ошириш билан боғлиқ 414 305 та ҳолат аниқланган. Шундан 146 849 таси 2026 йил январь–март ойларига тўғри келади. Истеъмолчилар фойдасига амалга оширилган қайта ҳисоб-китоблар ҳажми 8,5 миллиард сўмни ташкил этди. Рақобат қўмитаси ва фармацевтика назорати органлари ҳамкорлиги натижасида нархларни сунъий оширган олти компания дориҳона лицензияларидан маҳрум қилинди.

10–11 апрель кунлари йил бошидан бери қўпол қоидабузарликлар учун 23 та дориҳона лицензиясидан маҳрум қилинган ҳақида хабар берилди. Бу қоидабузарликлар қаторига сертификатланмаган ва рўйхатдан ўтмаган дори воситаларини сотиш, шунингдек контрафакт маҳсулотларни реализация қилиш кирган. 17 апрель куни эса Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази лицензиясиз фаолият юритган яна 25 та дориҳона жавобгарликка тортилганини маълум қилди. (<https://www.spot.uz/ru/2026/04/03/pharmacy-license/>)

13 апрель куни Президентнинг ПҚ-136-сонли қарори билан логистика соҳасини рақамлаштиришнинг навбатдаги босқичи бошланди. Унга кўра, Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддат ичида электрон платформалар орқали дориҳона ва дориҳона тармоқларида онлайн савдони жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши керак. Ҳужжатда ҳар бир дориҳонада онлайн буюртмаларни топшириш пунктини ташкил этиш, шунингдек курьерлик етказиб бериш хизмати учун алоҳида талабларни белгилаш тўғридан-тўғри кўрсатилган. Жумладан, ҳарорат режими талаб қилинадиган дори воситалари учун термоконтейнерлардан фойдаланиш ва дори қадогини очишни тақиқлаш назарда тутилган.

Бу ҳозирча тўлиқ масофавий савдога расман рухсат берилганини аниқламайди. Аксинча, ҳужжат онлайн-фармацевтика савдоси учун “йўл харитаси” ва логистика стандартларини шакллантириш босқичини

белгилаб бермоқда. (<https://www.lex.uz/uz/docs/8131458>)

Апрель ойининг ташқи иқтисодий кун тартиби ҳам жуда фаол бўлиб, асосий эътибор маҳаллийлаштиришга қаратилди. 14–15 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Bayer делегацияси билан ҳамкорликни кенгайтириш, инвестициялар жалб қилиш ҳамда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни кластер модели асосида интеграция қилиш масалалари бўйича музокаралар ўтказилди. 23–24 апрель кунлари Ўзбекистон томони Ҳиндистон делегацияси билан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тартибга солиш ҳамда сифат назорати соҳасида тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилди.

27–28 апрель кунлари эса Хитой компанияларига API (фаол фармацевтик ингредиентлар), вакциналар, қон препаратлари, дженериклар ва инновацион дори воситалари сегментларида маҳаллийлаштириш имкониятлари тақдим этилди.

30 апрель куни агентлик IQVIA делегациясини қабул қилди. Унда компания Ўзбекистон фармацевтика бозори бўйича аналитик маълумотлар ва бозор таҳлилларини тақдим этди.

Алоҳида йўналиш сифатида Жанубий Осиё билан ҳамкорлик фаоллашди: 7 апрель куни онкология, кардиология ва метаболик касалликлар учун юқори технологияли дори воситаларини ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳа доирасида ўнлаб миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиниши эҳтимоли кўриб чиқилди.

6 апрель куни эса Афғонистон билан фармацевтика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Мақсад — фарммаҳсулотлар товар айланмасини 500 миллион долларга етказишга йўналтирилган стратегик ҳамкорликни ривожлантириш.

Ой якуни инвестицион кун тартибни ижтимоий сиёсат билан бирлаштирди. 24 апрель куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг № 3822-сонли буйруғи рўйхатдан ўтказилди. Унга кўра, реимбурсация дастурига киритиладиган касалликлар ва уларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари рўйхати тасдиқланди; ҳужжат 2027 йил 1 январдан кучга киради. Профил манбаларга кўра, дастур доирасидаги препаратлар сони 28 тадан 69 тагача оширилади. Қамров эса онкология, руҳий касалликлар, юрак-қон томир тизими, эндокрин касалликлар, шунингдек ОИБ ва сил каби нозологияларни ўз ичига олади. (<https://lex.uz/ru/docs/8164221>)



Аптекадаги ўғирлик. Аслида ким айбдор?

Нега аптекадаги ўғирлик мавзуси доим долзарб? Жавоб жуда оддий — бу чакана савдо. Чакана савдо корхоналарида ўғирлик доим содир бўлади. Бу эса товарнинг ҳажми ёки қийматига боғлиқ эмас.

Екатерина Доронкина

Ўғирликлар ҳатто автосалонлар ва заргарлик дўконларида ҳам учрайди. Автосалонларда товар жуда катта ҳажмда бўлишига, заргарлик дўконларида эса қиммат товарлар сабаб мижозлар ҳаракатлари қатъий назорат қилинишига қарамай, ўғирлик ҳолатлари барибир мавжуд. Шунингдек, бошқа ҳар қандай чакана савдо соҳасида ҳам ўғирлик кузатилади.

Шу сабабли, одатда, ҳар қандай чакана савдо корхонасининг бизнес ёки молиявий режасида дўкон айланмасининг тахминан 1–2% қисми ўғирликдан келадиган йўқотишлар сифатида ҳисобга олинади.

Бироқ 1–2% кўпроқ пессимистик кўрсаткич ҳисобланади: чакана савдо соҳасида ўғирликнинг ўртача “меъёри” одатда айланманинг 0,3–0,5% атрофида бўлади.

Аптека ҳам чакана савдо корхонаси ҳисобланади. Демак, аптекадаги ўғирлик ҳам маълум маънода муқаррар жараён. Албатта, аптекадаги ўғирликнинг ўзига хос жиҳатлари бор, аммо унинг асосий тамойиллари ва схемалари бошқа чакана савдо ташкилотларидаги ҳолатларга ўхшайди.

Ким ўғирлайди?

Ҳар қандай чакана савдо корхонасида ўғирлик одатда ходимлар ёки мижозлар томонидан амалга оширилади. Аптекага ким каттароқ зарар етказиши мумкин? Албатта, ходимлар.

Форматлар:

- ➔ “майда ҳисобдан чиқаришлар”ни брак сифатида кўрсатиш
- ➔ чек бермасдан сотув қилиш
- ➔ қиммат дори воситаларини арзонларига алмаштириш
- ➔ бонус дастурларидан шахсий манфаат учун фойдаланиш

Нега ходимлар бундай йўл тутади:

- ➔ паст мотивация
- ➔ назоратнинг йўқлиги
- ➔ “бу ўғирлик эмас, компенсация” деган қараш

Факт:

Retail соҳасидаги йўқотишларнинг 30–50% қисми айнан ички операцияларга тўғри келиши мумкин (халқаро амалиёт маълумотларига кўра).

Аптекада мижозлар томонидан содир этиладиган ўғирликнинг юқори даражаси — бу аниқ “симптом”, яъни аптека ходимлари савдо зали ва кассани бошқа аптекалардаги ҳамкасбларига нисбатан анча ёмон назорат қилаётганининг объектив белгисидир.

Шунинг учун аптекадаги катта ҳажмдаги талон-торожлик ва ўғирликлар фақат икки ҳолатда юз бериши мумкин:



- ➔ ходимлар ўз вазифаларига бепарво муносабатда бўлганда;
 - ➔ ёки ўғирликнинг ўзи аптеkanинг ходимлари томонидан амалга оширилганда.
- Бу айниқса бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилган ҳолатларда кўпроқ учрайди.

Кам муҳокама қилинади, аммо амалда учрайдиган ҳолатлар:

- ➔ товарнинг тўлиқ етказиб берилмаслиги
- ➔ етказиб берувчи томонидан ассортимент алмашиши
- ➔ товарни қабул қилишдаги хатолар

“Ўғирлик” деб баҳоланаётган ҳолатларнинг бир қисми аслида оддий хатолардир:

- ➔ ассортимент аралашиб кетиши
- ➔ нотўғри ҳисобдан чиқариш
- ➔ товар қиримидаги хатолар
- ➔ инсон омили

Муҳим:

Баъзан бизнес ходимларни айблайди, аслида эса муаммо — ҳисоб юритиш тизимининг заифлигида бўлади.

Ким жавобгар?

Агар аптекада ўғирлик содир бўлса, зарарни ким қоплаши ва ким жазо олиши керак? Парадокс шундаки, аслида — ҳеч ким.

Биринчидан, аптека ходимларининг жамоавий моддий жавобгарлиги бундай ҳолатларга амалда татбиқ этилмайди. Жамоавий моддий жавобгарлик фақат икки ҳолатда мумкин:

- ➔ ходимнинг ўзи рози бўлса;
- ➔ ёки ходим етказилган зарарда айбдор экани исботланса.

Албатта, буни исботлаш мумкин. Аммо амалиётда бу жуда қийин.

Ўғирининг ўзига нисбатан ҳам чора кўриш муаммоли. Қонун бўйича ўғирини фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими қўлга олиш ҳуқуқига эга. Аптека ходимлари, ҳатто кўриқлаш хизмати

ходимлари ҳам, афсуски, ўғирини расман ушлаш ҳуқуқига эга эмас.

Энг кўп пул қаерда йўқолади

Хавфли зоналар:

- ➔ омбор
- ➔ касса
- ➔ савдо залидаги “ўлик зоналар”
- ➔ акция ва промо тадбирлар

Парадокс:

Маркетинг ва акциялар қанчалик фаол бўлса, назорат заиф бўлган ҳолатда йўқотиш хавфи шунчалик юқори бўлади.

Олдини олиш ва ҳимоя қилиш

Биринчидан, аптека ходимларини синчковлик билан танлаш керак. Бу ерда фақат демотивацияланган ходимларни эмас, балки мулк хавфсизлиги талабларини мунтазам эътиборсиз қолдирадиган, ўғирлик учун қулай шароит яратадиган шахсларни ҳам аниқлаш муҳим. Шунингдек, судланган шахслар, гиёҳвандлик ёки алкогольга қарам одамлар билан алоқаси бор ходимларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, аптекадаги барча мулкнинг (фақат товар эмас) аниқ ва тўлиқ ҳисобини юритиш ҳамда ҳар бир йўқотиш ҳолати бўйича текширув ўтказиш зарур.

Учинчидан, аптекада видеокузатув тизимини ўрнатиш керак.

Самарали воситалар:

- ➔ мунтазам танлов асосида инвентаризация ўтказиш
- ➔ видеокузатув (лекин “жазоловчи” усулда эмас)
- ➔ сотувлар аналитикаси ва аномалияларни кузатиш
- ➔ масъулиятни тақсимлаш
- ➔ ходимларни мотивация қилиш

Энг яхши ёндашув: “Айбдорни қидириш” эмас, балки **ўғирлик қилиш ноқулай бўлган тизимни яратишдир.**

ФИТОТЕРАПИЯ

Табиат билан уйғунликда юракни қўллаб-қувватлаш

Рахмиддин Сабирджанов

Замонавий турмуш тарзи — стресс, ортиқча чарчоқ, уйқусизлик, нотўғри овқатланиш — юрак-қон томир тизимида жиддий юклама беради. Бу юрак уришининг тезлашиши, юқори хавотирланиш, босимнинг беқарорлиги ва организм умумий тонусининг пасайиши билан намоён бўлиши мумкин. Бундай шароитда организмга юмшоқ, аммо тизимли қўллаб-қувватлаш зарур: юрак фаолиятини меъёрлаштириш, қон томирларни мустаҳкамлаш ва асаб тизимини барқарорлаштириш. Самарали ёндашувлардан бири фитотерапия — кардиотоник, тинчлантирувчи ва қон томирларни мустаҳкамловчи таъсирга эга ўсимликлардан фойдаланишдир.

ZAMONA RANO компаниясининг «Кардионорм» фиточойи — флавоноидлар, эфир мойлари, органик кислоталар, гликозидлар ва биологик фаол моддаларни ўз ичига олган мувозанатлаштирилган ўсимликлар мажмуаси бўлиб, улар биргаликда юрак ва асаб тизими фаолиятини меъёрлаштиришга ёрдам беради.

Компонентларнинг фармакологик фаоллиги

Ялпиз барги (Mentha piperita) — юмшоқ қон томир кенгайтирувчи ва тинчлантирувчи таъсирга эга.

- Таркибида:
- ⊕ эфир мойлари (ментол)
 - ⊕ флавоноидлар
 - Таъсири:
 - ⊕ қон томирлар спазмини бартираф этади
 - ⊕ қон айланишини яхшилаиди
 - ⊕ асабий зўриқишни камайтиради
 - ⊕ енгил седатив таъсир кўрсатади

Мелисса доривор ўти (Melissa officinalis) — табиий «юрак учун тинчлантирувчи» сифатида маълум.

- Таркибида:
- ⊕ эфир мойлари
 - ⊕ розмарин кислотаси
 - Таъсири:
 - ⊕ хавотирланишни камайтиради
 - ⊕ юрак ритмини меъёрлаштиради
 - ⊕ уйқуни яхшилаиди
 - ⊕ антистресс таъсир кўрсатади

Пустырник ўти (Leonurus cardiaca) — классик кардиоседатив восита.

- Таркибида:
- ⊕ алкалоидлар
 - ⊕ флавоноидлар
 - Таъсири:
 - ⊕ юрак уриш тезлигини камайтиради
 - ⊕ босимни барқарорлаштиради
 - ⊕ кучли тинчлантирувчи таъсирга эга
 - ⊕ стресс симптомларини камайтиради

Дўлана меваси (Crataegus monogyna) — юрак учун асосий ўсимликлардан бири.

- Таркибида:
- ⊕ флавоноидлар
 - ⊕ проантоцианидинлар
 - Таъсири:
 - ⊕ юрак мушаклари фаолиятини яхшилаиди
 - ⊕ қон томирларни мустаҳкамлайди
 - ⊕ юрак ритмини меъёрлаштиради
 - ⊕ коронар қон айланишини яхшилаиди

Rowan меваси (Sorbus aucuparia) — витаминлар ва антиоксидантлар манбаи.

- Таркибида:
- ⊕ С витамини
 - ⊕ каротиноидлар
 - ⊕ органик кислоталар
 - Таъсири:
 - ⊕ антиоксидант ҳимояни таъминлайди
 - ⊕ қон томир деворини мустаҳкамлайди
 - ⊕ организм умумий тонусини оширади

Валериана илдизпояси илдизлари билан (Valeriana officinalis) — кучли табиий седатив восита.

- Таркибида:
- ⊕ эфир мойлари
 - ⊕ валепотриатлар
 - Таъсири:
 - ⊕ асаб қўзғалувчанлигини камайтиради
 - ⊕ уйқуни яхшилаиди
 - ⊕ юрак ритмини барқарорлаштиради
 - ⊕ стрессга бўлган реакцияни пасайтиради

Йиғимнинг илмий асосланганлиги

Компонентлар комбинацияси юрак-қон томир ва асаб тизимларига комплекс таъсир кўрсатади.

Компонентлар синергияси:

- ⊕ пустырник + валериана + мелисса — кучли седатив ва антистресс таъсир
 - ⊕ дўлана + rowan меваси — юрак мушаклари ва қон томирларни мустаҳкамлайди
 - ⊕ ялпиз — қон айланишини яхшилайдиган қон томир спазмларини бартираф этади
- Бундай мувозанат ҳам сабабга (стресс), ҳам оқибатларга (юракка тушадиган юклама) таъсир кўрсатиш имконини беради.

«Кардионорм» фиточойи қандай таъсир қилади?

- ⊕ Юрак ритмини меъёрлаштиради: пустырник, валериана ва мелисса юракка тушадиган юкломани камайтиради.
- ⊕ Стресс ва хавотирни камайтиради: седатив ўсимликлар мажмуаси асаб тизимини барқарорлаштиради.
- ⊕ Қон томирлар фаолиятини яхшилаиди: дўлана ва rowan меваси қон томир деворини мустаҳкамлайди.
- ⊕ Қон айланишини яхшилаиди: ялпиз спазмларни бартираф этиб, микроциркуляцияни яхшилаиди.



- ⊕ Умумий тонусни оширади: антиоксидантлар организмни умумий қўллаб-қувватлайди.

Фиточой қачон фойдали?

- ⊕ юқори асабий юкламада
- ⊕ юрак уришининг тезлашишида
- ⊕ стресс ва хавотир ҳолатида
- ⊕ уйқу бузилишларида
- ⊕ юрак-қон томир тизимининг бошланғич функционал бузилишларида
- ⊕ ортиқча чарчоқ даврида

Қўллаш усули

1 фильтр-пакет (1 г) ни 200 мл қайноқ сувга солиб, 10–15 дақиқа дамланг. Кун давомида 3–5 марта қабул қилинг. Курс — 1–2 ой.

Муҳим эслатмалар

- ⊕ Дори воситаси ҳисобланмайди
- ⊕ Жиддий юрак-қон томир касалликларида даволаш ўрнини босмайди
- ⊕ Паст қон босимида эҳтиёткорлик билан қўлланади
- ⊕ Кучли брадикардияда тавсия этилмайди
- ⊕ Юракка таъсир қилувчи препаратлар қабул қилинганда — шифокор билан маслаҳатлашиш шарт.

«Кардионорм» фиточойи — юрак ва асаб тизимини юмшоқ қўллаб-қувватлаш учун илмий асосланган ўсимликлар мажмуасидир. У стресс таъсирини камайтиришга, юрак ритмини меъёрлаштиришга, қон томирларни мустаҳкамлашга ва организм умумий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради, комплекс ва нозик таъсир кўрсатади.

ФИТОЧОЙ КАРДИОНОРМ




ЮРАК ВА АСАБ ТИЗИМИГА ЮМШОҚ ТАЪСИР

- СТРЕСС ВА ХАВОТИРДА
- ЮҚОРИ АСАБИЙ ЗЎРИҚИШДА
- ЮРАК УРИШИ ТЕЗЛАШГАНДА
- УЙҚУ БУЗИЛИШЛАРИДА
- ЧАРЧОҚ ВА ЎТА ТОЛИҚИШ ДАВРИДА
- ЮРАК-ҚОН ТОМИР ТИЗИМИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН



ДОРИ ВОСИТАСИ ЭМАС



ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА

КАРДИОЛОГИЯ

Тивомакс (L-аргинин): сифат стандартлари ва дори шаклининг технологик устунликлари

Сардор Султаниязов

Замонавий далилларга асосланган тиббиётда терапевтик самарадорлик нафақат таъсир этувчи модда молекуласига, балки уни синтез қилишнинг аниқ технологияларига, хомашёнинг тозалик даражасига ва тайёр дори шаклининг барқарорлигига ҳам бевосита боғлиқ. Украинанинг етакчи ишлаб чиқарувчиси «Дарница»дан бўлган «Тивомакс» препарати — бу GMP халқаро стандартларига тўлиқ мос келадиган юқори технологияли ишлаб чиқариш маҳсулидир.

Технологик асос ва ишлаб чиқариш етакчилиги

«Тивомакс» ишлаб чиқарилиши Европа стандартлари бўйича сертификатланган энг йирик фармацевтика корхонаси қувватларида амалга оширилади. Бу эса дорихона тармоқлари ва беморлар учун ҳар бир босқичда мутлақ назоратни кафолатлайди:

➔ **Тўлиқ цикли назорат:** кўп босқичли текширув тизими хомашёнинг кирувчи микробиологик таҳлили ва ҳар бир серия-

нинг барқарорлигини якуний синовдан ўтказишни ўз ичига олади.

➔ **Субстанция хавфсизлиги:** юқори даражада тозаланган L-аргинин гидрохлориддан фойдаланиш ёт оқсил аралашмаларининг мавжудлигини истисно қилади. Бундай ёндашув аллергия реакциялар ва ножўя таъсирлар хавфини минимал даражага туширади.

Гидрохлорид шаклининг фармацевтик афзалликлари

«Тивомакс» таркибидаги аминокислотанинг гидрохлорид шаклини танлаш тасодифий эмас — у препаратнинг биосингувчанлигини белгилайдиган ўзига хос физик-кимёвий хусусиятлар билан асосланган:

1. **Оптимал эриши кинетикаси:** гидрохлорид шакли ошқо-

зон ширасида тез ва барқарор парчаланишни таъминлайди. Бу таъсир этувчи модданинг тезроқ ажралиб чиқишига ва унинг қон айланиш тизимига самарали сўрилишига хизмат қилади.

2. **Глобал стандартларга мувофиқлик:** субстанция дунёдаги етакчи фармакопеялар (USP, EP) талабларига жавоб беради. Бу препарат таркибида оғир металллар, эндотоксинлар ва бошқа хавфли аралашмалар йўқлигининг расмий тасдиғидир.

Касбий ҳамжамият учун асосий устунликлар

«Тивомакс» — бу ишончли фармацевтик восита бўлиб, Украина бозорининг етакчи корхонасининг кучли имкониятлари ва юқори обрўсини ўзида мужассам этган.

Дорихона муассасалари учун асосий афзалликлар:

➔ **Башорат қилинадиган натижа:** юқори биосингувчанлик туфайли кафолатланган терапевтик самарадорлик.

➔ **Хавфсизлик профили:** маҳсулотнинг халқаро сертификатлар билан тасдиқланган юқори тозалиги.

➔ **Барқарорлик:** препаратнинг бутун яроқлилик муддати давомида ўз хусусиятларини сақлаб қолишига ишонч.

Шу тариқа, «Тивомакс»ни танлаш орқали мутахассис халқаро ишлаб чиқариш стандартларига ва корхонанинг кўп йиллик тажрибасига таянади. Бу эса қон-томир саломатлиги ва метаболизмни қўллаб-қувватлаш учун сифатли ҳамда фойдаланишга қулай ечимларни бозорга етказиб бериш имконини беради.

Параметр	«Тивомакс» характеристикаси
Ишлаб чиқариш стандарти	GMP (Европа стандарти)
Фаол модда	Юқори тозаликдаги L-аргинин гидрохлорид
Дозалаш	500 мг (терапевтик схемаларни мослаштириш учун оптимал)
Яроқлилик муддати	Сақлаш даври давомида барқарорлик таъминланган

ИНФУЗИЯ УЧУН ЭРИТМА 100 МЛ

ТИВОМАКС Arginine hydrochloride
42 мг/мл



Европа сифати




Аргининни Украинадаги етакчи ишлаб чиқарувчиси



Даволаш курси учун қулай нарх



ASKLEPIY Group



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

ТРИОМАКС

25 мг/мл

Таъсир этиш моддаси:

Тиазот кислотасининг морфолинийли тузи.
1 мл эритма таркибида 100% модда ҳисобида 25 мг
тиазот кислотасининг морфолинийли тузи мавжуд



Инъекция учун эритма
10 та ампулада 4 мл дан

Юрак ишемик касаллигини даволашда юқори самара туфайли аниқ натижа

Келиб чиқиши хар хил бўлган гепатит, жигар циррози ва фиброзининг патогенетик асосланган терапияси



**ТРИОМАКС-
ДАРНИЦА**

25 мг/мл

Внутривенно-Внутримышечно

Раствор для инъекций
10 ампул по 4 мл

ДАРНИЦА



ASKLEPIY
Group

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

АНТИСЕПТИК ЭРИТМА

Мирамистиннинг ринохирургияда операциядан кейинги инфекцияларни профилактика қилишда қўлланилиши

Ринохирургия оториноларингология ва эстетик тиббиётда амалга ошириладиган жарроҳлик аралашувлари орасида алоҳида ўрин тутди. Бурундаги операциялар ҳар йили кўплаб беморларда ўтказилади ва улар нафақат бурун орқали нафас олиш функциясини тиклаш, балки ташқи нуқсонларни тузатишга ҳам қаратилган. Бироқ жарроҳлик техникасининг юқори даражаси, тиббий ходимларнинг профессионалиги ва стериллик стандартларига қатъий риоя қилинишига қарамасдан, операциядан кейинги давр инфекцион асоратлар ривожланиши хавфи юқори бўлган энг заиф босқичлардан бири бўлиб қолмоқда.

Камилла Рахманова

Маълумки, операциядан кейинги инфекциялар беморнинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, реабилитация муддатларини узайтиради, операциянинг эстетик натижасига ва даволашдан қониқиш даражасига ҳам бево-сита таъсир қилади. Шу муносабат билан инфекцион асоратларнинг профилактикаси ринохирургик аралашувлардан кейинги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Операциядан кейинги инфекциялар ринохирургияда: муаммонинг долзарблиги

Буруннинг анатомик ва физиологик хусусиятлари микроорганизмларнинг кириши ва кўпайиши учун қулай шароит яратади. Бурун бўшлиғи ташқи муҳит билан доимий алоқада бўлиб, унда турли хил микрофлора, жумладан, потенциал патоген микроорганизмлар ҳам мавжуд.

Ринохирургиядан кейин инфекция хавфини оширувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- ➔ операция жароҳати ва чокларнинг мавжудлиги;
- ➔ тампонлар ва дренажларни қўллаш;
- ➔ шиллик қават шишиши ва мукоцилиар клиренсинг бузилиши;
- ➔ қайта жарроҳлик аралашувлари;
- ➔ имплантлар ёки трансплантлардан фойдаланиш.

Операциядан кейинги даврда энг кўп учрайдиган инфекциялар юмшоқ тўқималар инфекциялари, операциядан кейинги чокларнинг инфекцияланиши, бурун шиллик қавати ва параназал синусларда яллиғланиш жараёнлари ҳисобланади. Ҳатто маҳаллий инфекцион асоратлар ҳам жароҳатнинг битиш муддатларини узайтириши, чандиқли ўзгаришлар шаклланишига ва функционал ҳамда эстетик натижанинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Дори воситаларисиз профилактика: мажбурий асос

Инфекцион асоратларнинг профилактикаси операцияга тайёргарлик ва уни амалга ошириш босқичидаёқ бошланади. Клиник амалиётда кенг қўлланиладиган дори воситаларисиз чора-тадбирлар операциядан кейинги даволашнинг фундаментал асоси ҳисобланади.

Уларга қуйидагилар киради:

- ➔ операцион хонада асептика ва антисептика қоидаларига қатъий риоя қилиш;
- ➔ тўқималарни минимал травмалаш билан амалга ошириладиган эҳтиёткор жарроҳлик техникаси;
- ➔ операциядан кейинги зонага етарли даражада парвариш кўрсатиш;
- ➔ реабилитация даврида бурунга механик таъсирни чеклаш;
- ➔ беморнинг чекиш ва яра битишини секинлаштирувчи бошқа омиллардан воз кечиши;
- ➔ бурун бўшлиғи гигиенаси бўйича шифокор тавсияларига риоя қилиш.

Бироқ юқорида санаб ўтилган барча чора-тадбирлар қатъий амалга оширилган тақдирда ҳам инфекцияланиш хавфини тўлиқ истисно қилиб бўлмайди. Бу эса операциядан кейинги инфекцияларни мажмуавий профилактика қилишда самарали маҳаллий антисептик воситаларни қўллаш заруратини тушунтиради.

Маҳаллий антисептикларнинг операциядан кейинги даврдаги роли

Маҳаллий антисептик терапия жарроҳлик аралашуви зонасига бевосита таъсир кўрсатиб, организмга тизимли таъсир қилмаган ҳолда микроб юкламасини камайтириш имконини беради. Антибиотикларга чидамлик (резистентлик) ортиб бораётган шароитда кенг антимикроб фаолликка эга ва шу билан бирга бурун шиллик қавати томонидан яхши қабул қилинадиган препаратлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ринохирургияда қўллаш учун идеал антисептик самарадорлик, хавфсизлик ва қўллаш қулайлигини ўзида бирлаштириши керак — айнан шу талабларга «Мирамистин» эритмаси жавоб беради.

«Мирамистин» — антисептик профилактиканинг замонавий стандарти

«Мирамистин» — кенг спектрли таъсирга эга антисептик препарат бўлиб, тиббиётнинг турли соҳаларида, жумладан оториноларингология ва жарроҳлик амалиётида фаол қўлланилади.

Препарат қуйидагиларга нисбатан фаоллик кўрсатади:

- ➔ грамм мусбат ва грамм манфий бактерияларга;
- ➔ госпитал штаммларга, жумладан чидамлик шаклларга;
- ➔ замбуруғларга;
- ➔ вирусларга.

Ринохирургия учун алоҳида аҳамиятга эга жиҳат — «Мирамистин»нинг бурун шиллик қавати томонидан яхши кўтарилишидир. Препарат кўзгатувчи таъсир кўрсатмайди ва тўқималарнинг физиологик регенерация жараёнларини бузмайди.

«Мирамистин»дан фойдаланиш қуйидагиларга ёрдам беради:

- ➔ яллиғланиш асоратларининг олдини олишга;
- ➔ операциядан кейинги жароҳатнинг инфекцияланиш хавфини камайтиришга;
- ➔ тўқималар битиши учун қулай шароит яратишга;
- ➔ бемор реабилитация муддатини қисқартиришга.

«Мирамистин» эритмасини қўллаш усуллари

➔ Ринохирургиядан кейинги даврда «Мирамистин» инфекцион асоратларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий антисептик восита сифатида қўлланилади.

➔ Препарат бурун шиллик қавати ва операциядан кейинги зоналарни даволаш учун кунига

2–3 марта қўлланилади. У бурун бўшлиғини аввал тозалангандан кейин сепиш ёки эҳтиёткорлик билан тампон орқали ишлов бериш йўли билан қўлланади. Ташқи чоклар соҳасига эса кунига 1–2 марта, механик таъсирсиз ишлов берилади.

➔ Ўртача қўллаш давомийлиги 5–7 кунни ташкил этади, инфекцияланиш хавфи юқори бўлган ҳолларда — 10 кунгача узайтирилиши мумкин. Яхши кўтарилиши ва кўзгатувчи таъсирнинг йўқлиги туфайли «Мирамистин» эрта операциядан кейинги даврда ҳам қўлланилиши мумкин бўлиб, микроб юкламасини камайтириш ва тўқималар битиши учун қулай шароит яратишга ёрдам беради.

➔ «Мирамистин» украин фармацевтика компанияси «Дарница» маҳсулотини бўлиб, дориларсиз профилактика чораларини тўлдириб, ринохирургик аралашувлардан кейин беморларни даволашда комплекс ёндашувнинг муҳим қисми сифатида қаралиши мумкин.

